

Ироқда Қуръон карим фани ўқитувчилари синовдан ўтди



15:00 / 17.12.2018 2455

Ироқнинг Карбало, Нажаф, Бағдод ва Бобил шаҳарларидан чақирилган 200 та эркак ва аёллардан иборат Қуръон карим фани бўйича ўқитувчилар 30 ҳафталик малака ошириш курсларида қатнашдилар. Курс якунида эса барча қатнашувчилар Қуръони каримдан ёзма синовдан ўтди, деб хабар беради dar-alquran.org сайти.

Қуръон тадқиқотлар маркази ўқитувчиси ва ушбу босқичнинг масъули Саййид Муртазо Жамолиддиннинг айтишича, ушбу курслардан мақсад Қуръони карим фани бўйича масъул бўлган ўқитувчиларнинг билим ва малакаларини ошириш, уларни мустақамлашдан иборатдир. Тест синовларининг якуний хулосалари яқин кунларда маълум бўлади ва 1, 2, 3-ўрин эгалари тақдирланади.

